

Таътил бекорчилик эмас



2 ▶

Бахти бутун қайнона

5 ▶



6 ▶

Ит вафоми, ёки?..

Эплаган элакда сув келтирар

8 ▶



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ЧЕМПИОНЛАР СУЛОЛАСИ

Ангренлик Бобоевлар оиласини худди ана шундай таърифга муносиб десак, муболага бўлмайди. Баҳодир ака ва турмуш ўртоғи Зумрад опа беш қизни ҳалол ризқ-насиба билан тарбиялаб, оқ-қорани танитиб, спортга ошно қилишди. Ибратли томони шундаки, айрим ўғли йўқлигидан нолиган ношукрларга қиз ҳам худди ўғил каби фарзанд, улар ҳам нафақат ота-онасининг, балки юртининг шаъни, обрўйи учун бемалол кураша олишини исботлашди.

Бугун улар чемпион қизлари Зилолаҳон, Мафтуна, Нозима, Зулхуморхон ва Зулайҳоларнинг эришган ютуқлари замирида фақат тинимсиз меҳнат, ўзаро тотувлик, оилавий аҳилликнинг ўрни бекиёслигини бот-бот такрорлашади.

— Баҳодир ака, беш қизингиз ҳам спортнинг шотокан каратэ-до тури билан шугулланар экан-а?

— Нафақат шугулланишади, балки уларнинг бари каратэнинг ана шу тури бўйича республика чемпиони бўлган. Ишонасизми, мен учун уларнинг ҳар бири ҳар қандай шароитда ҳам ўн та ўғилдан азияроқ. Худога минг қатла шукрки, ҳеч қачон ўғлим йўқлигидан афсусланмаганман. Ҳозирги кунда қизларимнинг катталари оилани, шунинг учун спортдан бироқ четда. Яна бир жиҳати, уларнинг ҳеч бирини айнан шу спорт тури билан шугулланишинг керак деб, мажбурламаганман. Бош фарзандим Зилолаҳон олти ёшлигида уй юмушларини бажаришда онасига халақит бермасин дея машғулотларга ўзим билан олиб кетардим. Бошида бир чеккада жимгина томоша қилиб ўтирган қизим бир куни "Мен ҳам сиздек каратэчи бўламан", деганида қаршилиқ қилолмадим, аксинча, бундан фақат хурсанд бўлдим. Опасидан кейин кетма-кет Мафтуна, Нозима ҳам кимоно кийиб, орқамдан эргашди. Бошида шунчаки ҳавас бўлса керак дея эътибор бермаган эдим, ҳатто онаси ҳам "Ахир, булар қиз бола бўлса, керакмас", дея кескин қаршилиқ кўрсатган эди. Йўқ, биринкетин мусобақаларда қатнашиб, ҳаммалари чемпион бўлиб, қатор-қатор медаллар олиб келаверишгач, бизнинг ҳам тан бермай иложимиз қолмади.

4 ▶



«МАТБУОТ
ТАРКАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ —
доимий ҳамкоримиз!

ТАЪТИЛ БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

Ёзги таътил бошланди-ю, болаларнинг бўш вақтлари кўпайди. Уч ойлик мавсум бир қарашда маза қилиб ҳордиқ чиқариш палласига ўхшайди. Лекин... бу пешингача ухлаш, ундан кейин телевизор, компьютер қаршига михланиб ўтириш дегани эмас. Бу мавсум пайтида ўқувчиларнинг аксарияти оромгоҳларда дам олишни, баъзилари эса бирор фойдали меҳнат билан машғул бўлиб пул топишни режалаштирса, айримлари турли хил спорт ёки хунар ўрганиш тўғрисида қатнашишни маъқул кўради. Хўш, ўғил-қизларимиз ёзги таътилни қандай ўтказишяпти?

Зулфия Қосимжонова, мактаб психологи:

— Бу палла ҳам болалар учун мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Айниқса, ота-оналар бундай маҳалда жуда хушёр бўлишлари керак. Беш зори бола эмас, бекорчи бола хавфлидир, деб бежиз айтишмайди. Нега десангиз, бекорчиликдан бола хаёлига кўпроқ зарарли ишлар билан шуғулланиш, ёмон одатларни ўзлаштириш келади. Айниқса, 11 ёшдан кейин бола ўзини катталардек ҳис қила бошлайди ва назоратсиз қолгач, ўзидан катталарга хос бўлган салбий ҳислатлар, яъни ичиш, чекиш, беҳуда кўча санғишни ўзлаштиришга уринади. Бунинг олдини қандай олиш мумкин? Энг тўғри йўл, болани ёзда бирор бир хунар ёки спорт тўғрисида жалб этиш керак. Масалан, қизларни қизиқишга мос ҳолда тикиш, тўқиш, ҳамширалик, ўғил болаларни эса спорт, техника воситаларининг бирор турини сошлаш, дурадгорлик каби машғулотларга қизиқтириш лозим. Айниқса спорт бекорчиликка ўрин қолдирмайди.

Шавкат Тожиев, Тошкент шаҳар сув спорти сарофининг олий тоифали мураббийи:

— Сузишнинг энг аҳамиятли томони шундаки, машқаб жараёнда кишининг 73 та мускули фаол ҳаракатда бўлади. Бу спорт тури болаларнинг суяк тўқималарини мустаҳкамлайди. Умуртқа погоналарига тушадиган оғирликни камайитиб, гавда тузилишининг тўғри ривожланишига кўмаклашади. Ҳатто хотира пасайиши, парижонхотирлик ва яссиоёқликнинг олдини олишда ҳам сузишнинг ўрнини ҳеч нима босолмайди. Яна бир қулай томони шундаки, сузиш

билан фалон ёшдан шуғулланиш керак эди, энди кеч, деган тушунча йўқ. Фақат сувда бўлиш муддатига эътибор берилса, яъни бошловчилар 30-40 дақиқадан сузсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Яна бир жиддий томони, имко-



ни борица тоза сувда чўмилиш керак. Негаки, канал ёки ариқ сувлари юкумли касалликлар, турли микроблар учоғига айланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Махсус сув ҳавзаларига қатнашувчиларни рўйхатга олишдан аввал тиббий кўрикдан ўтказилади. Юкумли касалликка чалинганлар қабул қилинмайди. Бундан ташқари, ҳавзанинг суви 24 соат ичида 6 марта тозаланиб турилади.

Фахритдин Сағдуллаев, Бадий гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаби директори:

— Бадий гимнастика билан қизалоқлар бошланғич синфлардан шуғуллана бошлашса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки суяклар 10 ёшдан ке-

Мавсум — 2012

ин қота бошлайди ва машқабларни бажариш тобора қийинлашиб боради. Гимнастика, аввало, гавданинг тик, тўғри ўсишига, мускулларнинг ривожланишига ёрдам беради. Иммуни тизимни мустаҳкамлаб боради. Гимнастика билан шуғулланган қизлар қишги касалликларга кам чалинади. Мактабимизга айнан шифокор йўлланмаси билан келаётганлар ҳам кўп. Масалан, ясси оёқлик, скалиоз (суяк) касалликлари, умуртқа погонасининг ривожланишида муаммоси бор қизлар айнан бадий гимнастика машғулотлари ёрдамида даволанмоқда. Бир нарсани таъкидлаб ўтишим зарур, бадий гимнастика машқабларини ўргатувчи қўлланмалар билан қизингизни мустақил равишда шуғулланторман! Ниҳолдек нозик бўлган бола гавдаси арзимас эътиборсизлик туфайли тўғрилаб бўлмас хатонинг жабрланувчисига айланиб қолиши мумкин.

Ахрор Жабборов, спортчи:
— Спорт бекорчиликка, касалликларга, тарбиянинг бузилишига қарши энг яхши чорадир. Айниқса, 13-14 ёшли ўғил болалар учун муҳим ўрин тутади. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, ёзги таътил маҳалида оддий кун тартибидан тортиб, саёр-каноат каби сифатларни ҳам спорт машғулотлари орқали шакллантириш мумкин.

Собир, ўқувчи:
— Таътил бошланганига уч ҳафтадан ошибдики, уйда интернет қаршидаман. Мен тўғракни ҳам, суҳбатдошларимни ҳам шу ердан топаман. Кечки салқин тушганда маҳалладошларим билан футбол ўйнагани чиқаман. Назаримда, бу ҳам ёмон дам эмас. Отам кун бўйи ишда, онам эса уй бекаси. Менинг таътилим билан унчалик қизиқмайдилар. Ҳа, таътил фақат дам олиш эмас, балки у хунар ўрганиш ёки саломатликни мустаҳкамлаш борасида яхшигина имконият ҳамдир. Фақат ундан унумли фойдалана билсакки, ўтган вақтимизга асло ачинмаймиз.

Дилроз АБРАЕВА, "Оила ва жамият" муҳбири.

Муносабат

ҲАММАМИЗ
МАСЪУЛМИЗ

"Тўй-маърака ихчам бўлса...",
24-сон

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши гоётда таҳсинга лойиқ иш бўлибди.

Мақолаи ўқир эканман, бугунги кунда ўтказилаётган тўй-ҳашамлар ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларимни келгусида тўй қилмоқчи режалаштириб юрган юртдошлар билан ўртоқлашгим келди. Ўтган йили ойликдан бошқа даромади бўлмаган бир танишим ўғлини уйлантирди. Ўртақроқ деб ҳисобланган тўй-базмга тахминан 350-400 киши келди. Тўйхона, фото ва видеотасвирчи, карнай-сурнайчи, қора лимузин, автобус, навбатчи хонандалардан ташқари яна 4-5 та "бирровчи" чилар ғуруҳи... Дастурхонда икки хил таом, 4-5 хил салат, қазичарта, мева-чева, ичимликлар муҳайё. Хуллас, тўй эгасининг айтишича, жами ҳаражатлар 15 миллион сўмдан ошибди! Бу ҳисобга келин тарафга берилган қалин пули, тоғора, чопон, сарпосуруклар қирмайди. Очиги, тўй қилман, деб қарзга ботиб қолган оилага ачиндим.

Энди юқоридаги қарорга келадиган бўлсам, унда жўяли, асосли тақлиф ва тавсиялар берилганлиги кишини қувонтиради. Яна бир эътиборли томони, жамоатчилик кенгашларининг тузилганлигидир. Асосийси, ҳар биримиз тўй-маъракаларни ихчам ва чиройли қилиб ўтказишга ўзимизни масъул деб билишимиз лозим. Зеро, бу маълум ташкилот ёки идорага тегишли вазифа бўлмай, балки ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик.

**Адиба МАГЪУМОВА,
Тошкент шаҳри
Мирзо Улуғбек тумани.**

ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР

ҳуқуқи ва тарбияси учун ҳаммамиз жавобгармиз

Сўз инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари ҳусусида борар экан, бу борада 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг асосий ҳужжатларидан бири — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни тилга олиш жоиз. У бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш ҳамда шу соҳада давлатларaro ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг асоси саналади. Мамлакатимизнинг 1992 йилда мазкур Конвенцияга қўшилиши бола ҳуқуқларини ҳимоялаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди, дейишга бизда тўла асос бор.

Бундан ташқари, мамлакатимиз бола ҳуқуқларини таъминлашда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги ҳамда "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пактларда мустаҳкамланган меъёрларга ҳам таянади. Маълумки, республикаимизда мустақилликнинг илк йилларидаюқ бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш, бу соҳадаги халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва қонунчиликни тақомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган даврда вояга етмаганларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш бўйича Давлат дастури, Мактаб таъминини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурлари ҳамда 2007-2011 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат дастури қабул қилинди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция талабларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган ислохотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- бола ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш;
- боланинг камситилишига йўл қўймайлик;
- боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- бола ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш.

Айтиш керакки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича умумэтироф этилган тамойиллар устуворлигини таъминлаш, бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни тақомиллаштириш, халқаро миқёсда қабул қилинган шартномаларнинг бажарилишини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича юздан зиёд қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мухими, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоялаш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бу борада тарихий ҳужжат саналади. Мазкур қонунда етим, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болалар деган тушунчаларнинг моҳияти очиб берилди, уларда бола ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган давлат сиёсатининг асослари ўз аксини топди. Шу билан бирга, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг зиммасидаги масъулият, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишига оид кафолатлар, бу борадаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилди.

Мамлакатимизда болаларга эътибор нечоғли юқори бўлса-да, кўзгунинг икки томони бўлгани каби масаланинг салбий томони ҳам кўзга ташланади. Хусусан, айрим ҳолларда вояга етмаган болалар бозорларда юк ташиётган, савдо-сотик ишларида жалб

Жараён

қилинаётган ҳолатларнинг гувоҳи бўламиз. Таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиб вақтида ресторон, кафе, бар, клуб, дискотека, кино-театр, компьютер заллари ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда учратамиз. Ҳатто уларнинг спиртли ичимликлар ичишига, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни истеъмол қилишига гувоҳ бўлаяёмиз. Камдан-кам бўлса-да, вояга етмаган қизларнинг жамоат жойларида очикчасига сигарет тутатиб, ҳар хил ноҳўя сўзларни ишлатиб, бири-бири билан ғалати турганларни кўраемиз. Бироқ бу қизлар келгусида она бўлиб, қандай фарзандларни дунёга келтириши ва тарбиялаши мумкин? Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Ички ишлар, Халқ таълими, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Камолот" ЕИҲ, "Махалла" жамғармаси ва бошқа идоралар ҳамкорлигида доимий чора-тадбирлар кўрилатгани юқоридаги қонунларимизнинг амалда эканлигидан нишона. Хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, демократик жамият қурилишида уларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган "Сиз қонунни биласизми?", "Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий онг", "Миллий истиклол гоёси ва мен", "Президент асарлари билимдон" каби танловларнинг барча туман, шаҳарлар миқёсида йўлга қўйилгани ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлувчи кучли воситадир, десак хато бўлмайди.

Зеро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини билса, юқоридаги каби ноҳуш ҳолатларга дуч келмайди. У қарда бўлмасин, ҳар доим ўзини ҳимоя қилади. Ўзини турли хил таъсирлардан муҳофаза қила олган шахсининггина келажаги порлоқдир.

**Донохон ИШАНОВА,
Шайхонтоҳур тумани 1-сон
ДНИ катта нотариуси,
Муқаддас АБДУҚОДИРОВА,
нотариус.**

— Назирхоннинг Терактаги маҳалласида яшаган уруш қатнашчиси Махмуджон акага келин бўлиб тушган дамлари ҳеч эсимдан чиқмайди, — дейди кекса онахонлардан бири. — Бир гўзал тўй бўлди десангиз, ўшанда халқимизнинг энг ноёб урф-одатлари никоҳ оқшомига файз бағишлади. Бутун маҳалла аҳли қўл очиб дуода бўлди: "Илоҳим, янги оила хонадонга, маҳалламизга, Марғилонга кутбарока, файз келтирсин".

Дарвоқе, шундай бўлди ҳам. Чаққон, зийрак, меҳнатсевар келин энг аввал қайнота-қайнонасининг олқишини олди. Халқона ибора билан айтганда, янги хонадоннинг ўз одами — мезбонига айланди. Маҳалла аёллари ҳам бу келинни ҳавас билан бошқаларга намуна сифатида кўрсатадиган бўлишди. У Марғилонга мулозимат билан оиланинг ёш аъзоларига ҳам сизлаб муружат қиларди. Назирхон турмуш ўртоғи ишдан қайтиб, остона хатлаб уйига кирар-кирмас хуш кайфият билан унинг елкасидан чопонини олиб, қўлига сув тутар, оқ ювиб, оқ тараб ишга кузатарди. Бундай хушфўллик, ажойиб хурмат-тавозе кимга ҳам ёқмайди дейсиз. Орадан йиллар ўтди. бирин-

кетин шириндан-шакар фарзандлар дунёга келди. Эрхотин болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан қарашди. Улар бироз улғайгач, Назирхон янги очилган бадий тивувчилик фабрикасига ишга кирди. Зехли, чаққон бўлганидан тез кунда аёллар либоси, ҳар хил рўмоллар, эркаклар кўйлақларининг чиройли нусхаларини бинойидек тика бошлади.

Ишхонасидаги тенг-тўшларни ҳам саволга тутишарди:

— Сиз уйда, ишхонада бажараётган юмушларга биз кечаю кундуз тинмай ҳаракат қилсак ҳам улгуролмаймиз. Бирон сири борми ё дугонажон, бунинг устига яна бир этак бола?

Бу гапларга Назирхон кулибгина қўя қоларди. Махмуджон ака бўлса давлат ишидан ортмасди. Шаҳар ветеринария хизмати бўлимида ишлар, кундалик ташвиши етарли эди унинг. Шундай бўлса-да, етти ўғилга ота тарбияси сув билан хаводек зарур эканлигини билар, улар-



ни соғлом ўстириш, эл қатори едириб-кийинтириш, хунар ўргатиш, уйлантириш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини бир лаҳза ҳам унутмасди.

Бу оилада "сен-мен" сўзи ишлатилмайдди. Ичиш, чекиш, бекорчилик умуман ёт, бўш ўтирганини кўрмайсиз. Ҳамжи-хатлик бор жойда барака ҳам бўлади. Ака-укаларнинг ахил-иноқлигига бутун маҳалла аҳлининг ҳаваси келади. Касблари

боғдорчиликни ривожлантириб, аҳоли дастурхонини сархил мевалар билан тўлдирарди. Дўкдорлари эса эртаю кеч юртдошлари хизматига ҳозирю нозир.

— Етти келинга қайноналик қилиш учун нақ Фармонбибидек қаттиққўлликнинг зарур бўлса керак, — дея онахонга юзланамиз.

— Бошқа қайноналарга айтадиган бир сирим бор, — дейди ая кулимсираб. — Янги тушган келинни албатта бир-икки йил олдимда ушлаيمان, хизматини қилдираман. Керак бўлса, билмаганларини ўргатаман. Лекин ҳеч қачон уришиб, камситмайман, аксинча, қизим бўлмагани учун ўз фарзандимдек ардоқламан.

Пиру бадавлатлик бобида бошқаларга намуна бўлса арзийдиган бу аҳил ва тотув хонадон соҳиблари Махмуджон ака Муҳсинов билан Назирхон ая Бойдадева яратган мустаҳкам оила кўрғонига ҳамманинг ҳаваси келса арзийди.

Дилфуза МАМАЖОНОВА,
Фаргона Давлат университетининг ўқитувчиси.
Абдуҷаббор ҲУСАНОВ,
журналист.

"ИЛГОР" ЛИК ЗИЁЛИЛАР

"Кексалик ўзи дард" — азалдан бор гап, Ажабки, бу дардга бериб бўлмас чап. Худойим хушласа, эл ардоқласа, Улуғ ёшда ҳам топгайсан шараф.

Кексалар нафақат хонадонимиз, балки эл-юртимиз файзи, уларнинг дастурхон тўрида дуога қўл очиб ўтиришларининг ўзи катта давлат. Кўпни кўрган нуруийларнинг гап-сўзлари, панду насихатларини тинглар экансиз, Вантан, унда тинч-хотиржам яшаш — қанчалар улуғ неъмат эканлигини теран ҳис қиласиз. Пиру бадавлат зотларнинг қимматга бой гурунларидан баҳри- дилингиз очилиб, кўнгилдаги губорлар тарқалади, танангиз яйраб, қувват оласиз.

Махмуд Қошғарийнинг "Яхшининг сўнги тупроқда чириса ҳам, номи абадий қолади", деган эътирофи айнан бизнинг маҳалламизда яшаб ўтган инсонлар шаънига айтилгандек гўё. Узок йиллар дўсту қадрдон бўлиб ашган юртимизнинг атоқли олимлари — тилшунос Отақўзи Азизов, тарихчи Туроп Жўраев, адабиётшунос Шоислом Шомухамедов, педагогика фанлари билмидони Раҳимжон Усмонов, академик, расом Малик Набиев, жанчи шоир Назармат ва Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Бурхон Зиёев ва Исмоил Сулаймонов (барчаларининг охирати обод бўлсин) маҳалламизнинг фахри эди.

Шундай улуғ кишилар билан бир даврада юрган Фуломқодир ота Қўчқоров айни кунда 95 ёшни қаршиламоқда. Меҳру оқибат калити бўлиш ширин сўзи ва ибратли хулқи билан танилган, метиндек бардоши билан ҳаёт синовларини енгиб келаётган Фуломқодир отанинг умр йўли барчамизга ибрат бўлгулик. Меҳнатни қадрлаган киши қаримайди, деганлари рост экан. "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби бўлган бу инсон ҳозир ҳам ғайрат-шижоатга тўла, маҳалла қорига камарбаста.

Оила аталмиш митти "ватан"нинг осойишталиги, барқарорлиги, ўзаро хурмат, ишонч ва ўз зиммаларидаги шарафли вазифани ҳалол удралаб, турмуш сўқмоқларида бир-бирларини суяб, эъзозлаб келётган Фуломқодир ота ва рафиқалари Хумайро ая қурган оила кўрғони 75 йилдирки, янада юксалиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Албатта, бу кўрғоннинг томини яқка устун кўтариб туролмайди. Бунда аёлнинг ҳам ўз вазифалари бўладики, онахон бу хонадоннинг иккинчи устундирлар. Маҳалламиз қайноналари уйда аёлнинг ўрни ҳақида ёш келинларига насихат қилганларида албатта, Хумайрохон аямизнинг ибратли ҳаёт йўллари ни мисол қилиб келтиришди. Турмуш осойишталиги ва қувончга қўни-қўшничилик муносабатлари ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Қўни-қўшнилари билан муомала қилишни, оғир кунда ҳамдард, қувончга шерик

бўлишни, ёмонлигига сабр, яхшилигига шукр қилишни Фуломқодир акадан ўрганганман.

Замонавий немис адабиётининг вакиласи Женни Эрпенбек "Мадон истаб" асарига ўзбек оилалари ҳақида сўз юритар экан, "Ўзбекистонда аёл эрини уйининг устун деб билиб, уни ҳамиша сизлайди, эр эса аёлига "сен" деб муружат этади. Фарзандлар ота- оналарини ҳамиша сизлайдилар. Оила бошлиғи бўлган оталар ҳамиша улугланади. Оилада уларнинг амри вожибдир", деганида муаллиф андозани шу оиладан олган бўлса, не ажаб.

Фуломқодир ака Қўчқоров мана саксон йилдирки, миллий санъатимизни ардоқлаб келади. У дастлаб мусиқа билим юртининг ўзбек миллий чолғу асбоблари бўлимида, урушдан кейин эса Ташкент давлат консерваториясининг миллий мусиқа йўналишида таълим олди. Давлат филармонияси қошидаги халқ чолғу асбоблари оркестрига тамал тошини қўйган созанданинг қўлида дутор, рубоб, гижжақ каби чолғулар "сайраб" юборади. Аммо у ўз фаолиятининг асоси сифатида созандаликни эмас, ўқитувчиликни танлади.

— Миллий чолғу асбобларидан таралган куйлар қалбимизни ажиб ҳузур-ҳаловатга тўлдирарди, — дейди гурун орасида Фуломқодир ота. — Бунинг боиси, соз пардаларидан таралган оҳанг мавжлари юрак торларимизни ҳам чертиб ўтади. Ёшларда миллий мусиқа, созларимизга меҳр-муҳаббат уйғотиш мақсадида хаваскорларга мусиқа илмидан таълим бердим. Бугун ўнлаб шоғирдларим республикамизнинг таникли созандаларига айланиб улгурган.

Айни пайтда Ф. Қўчқоров яратган дарсликлардан нафақат республикамиз, балки Ўрта Осиё мамлакатларининг мусиқага ихтисослашган, ўкув даргоҳларида ҳам қўлланима сифатида фойдаланилмоқда.

Ота оғир босиқ, мулоҳазали оила бошлиғи. Гўзал хулқ соҳиби. Бирор кишининг дилини оғритганини, қаттиқ сўзлаб ранжитганини кўрмадим. Хумайро аямиз билан қурган турмушлари, ҳаёт йўллари маҳалламиздаги барча оилалар учун намунадир. Улар етти ўғил- қизни вояга етказиб, ҳозирда саксонга яқин невара, чевара, эваралари қуршовида кексалик гаштини суришмоқда. Отахоннинг сўхбатларига тўймай, хайрлашмоққа чоғланганимда у киши деворга илинган дуторларини қўлларига олиб, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг ушбу ўтти сатрларини хиргойи қила бошлади:

Манзил қайда, гап қайда ҳали,
Аро йўлда қолгулик қилма.
Ота мерос созим турганда,
Ўзга сазни чалгулик қилма,
Термаларим, ўланларимсиз,
Исму жисимим мангулик қилма...

Тўхтасин ФАНИЕВ,
Тошкент шаҳар
"Илғор" маҳалласи фаоли

МЕНИНГ ҚАЙНОНАМ ҲАММАДАН ЯХШИ!

Ҳамкасбларимдан бири суҳбат орасида "Ховлимизда фарқ пишган олма-ларга қўрт тушиб кетгани учунми, ҳеч ким емайди", деб қолди. Ана шунда қайнонамнинг бизнинг уйдаги беҳи, олма-ларни чириган, курт еган жойларини тозалаб, дастурхонга чиройли қилиб келтириб қўйишлари кўз олдимга келди. Ёз кунлари ерга тушиб эзилган ўрилари ҳам данакларидан ажратиб ювиб қўйишлари, мевалардан турли шарбатлар тайёрлашларини кўрган кишининг иштаҳаси очилади. Уй ишларини ҳам келинларига буюрмасдан, ўзлари бажариб кетавердилар. Деярли дам олиб ўтирганларини кўрмайсиз. Тиниб-тинчимайди. Менинг у киши ҳақидаги ҳикоямни эшитганлардан бири "Қайнонангиз ростдан ҳам шунчалик ажойибми?" деди ишонқирамай.



Ўқишни энди

тугатиб, ишга кирган

пайтларим...

Хонада беш-олти

аёл йигилди дегунча

қайнонасининг инжиқликлари,

асабага тегишчи нуқсонларини гапириб

қоларди. Айримлари

эса муроса қилолмай алоҳида

уйга ижарага чиқиб

кетганини, шунда

ҳам тинчлик бермаётганлигини айтиб,

кўз ёш қиларди. Бундай гаплар қулоғимга тез-тез қалинавергач, турмушга чиқсам, менга қандай қайнона учра экан-а, деган хавотир қийнарди. Аммо... келинни ҳатто ўз фарзандидан ҳам зиёда кўрувчи онахонлар бор десаам ишонаверган.

Оилада кенжа қиз бўлганим, кўпроқ ўқишга, ишга берилганлигим боис рўзгор ишларига унчалик ҳам уқувим йўқ эди. Аммо қайнонам бирон марта ҳам танбех бермасдан, овқат пиширганларида олдиларига олиб пазандаликнинг ўзига ҳос сир-асропларини эринмай ўргатдилар. Ўшанда бу ҳақда таниш аёлларга гапириб мақтансам, "Сабр қил-чи, бундай меҳрибонлик қанчага бораркин, бир-икки ой ўтсин, дардинг бизникидан ҳам ошиб тушади. Бошида ҳаммаси ўзини ойдек қилиб кўрсатишди", дейишди. Лекин бу гаплар беҳуда бўлиб чиқди.

Айниқса, овсинлар йиғилса, қайнонасининг "яхши хислат"ларини кўп гапириши табиий ҳолдек. "Келинлар кўзғолони"га ўхшаб мажлис қилиш ҳам шарт эмас. Иккала овсин ҳар учрашганда суҳбат учун мавзу тайёр. Яна қайнона! Аммо бизлар пешонамизга шундай қайнона учраганига Яратганга шукрона айтмайми. Чунки овсинимнинг ҳам, менинг ҳам фарзандларимиз тарбиясида у кишининг хизматлари беқиёс.

Афсуски, орамизда ўғлини келинидан қизганувчи, йўқ жойдан жанжал чиқариб, ўзларини жабрдийда қилиб кўрсатувчи қайноналар ҳам йўқ эмас. Айримлари келинига "Бизнинг қайноналарни кўрмагансизлар-да, тилидан заҳар томарди, бир сония дам олишга қўймади", дейишди. Бу билан қаттиққўл аёлга учраган келин ҳам тилидан заҳар томадиган қайнона бўлиши керак дегани эмас-ку!

Менинг ниятим, қанийди барча келинлар ҳам менга ўхшаб ўз қайнона-онажонисини тилидан бол томиб мақтат юрсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Нилуфар САПАЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Билишимизча ўзингиз ҳам спортнинг бу йўналишида нуфузли ўринларни кўлга киритган экансиз?

— Мактабда ўқиб юрган пайтларимдан бошлаб спортнинг самбо, кейин бокс тури билан шугулланганман. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимдан сўнг эса каратэга қизиқдим. Аммо мустақилликдан олдин бу спорт тури билан расман шугулланишга рухсат берилмасди. Истиклолдан кейингина барча ҳаваскор ва профессионал шугулланувчилар қайтадан рўйхатдан ўтгач, йўллар очилди, имкониятлар кенгайди. 2010 йилда ўз вазим тоифасида жаҳон кубоги соҳиби, 2011 йилда эса жаҳон чемпиони бўлдим. Бахтимизни қарангки, мустақиллик шарофати туфайли биз-

чемпиони деган номга сазовор бўлди. 2011 йилда эса спорт соҳасида эришган ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Оллоҳга шукр, шуларнинг ортидан “Сизларни тарбиялаган ота-онангизга раҳмат”, деган самимий эътирофларни эшитиш насиб этди. Биласизми, оталар юраги қачон фахру ифтихорга тўлади? Қачонки, умид билан ўстирган фарзандингиз нуфузли мусобақада қатнашиб, бирон ютуққа эришса, шохсупага чиқиб, юртимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямиз янграса, ҳам ота, ҳам мураббий сифатида кўзларимга севинч ёшлари келади. Бундан ортқ кувонч, бахт борми дунёда?

Ҳозирги кунда кенжа қизим Зулайхо ҳам опалари изидан бориб, икки марта республика чемпиони бўлди. Ундан ҳам

да дадамнинг кўлга киритган медал, кубок ва фахрий ёрликлари кўзимизни қувнатиб турарди. Кейинчалик опаларим ҳам қатор-қатор медаллар шодасини олиб келганида, ҳали мен ҳам албатта голиб бўламан ва шунақа медалларим бўлади, деб чин дилдан орзу қилганман. Аммо муваффақиятга эришишда орзу-умиднинг ўзи билан кифояланиб бўлмас экан. Каратэ билан жиддий шугуллана бошлагач, спортчида бундан ташқари, мақсад, ирода ва характер ҳам бирдай муҳимлигини англаб етдим. Ушундан мен олти ёшли жажжи қизалоқ эдим. Баъзан эрта тонгдан уйғониб машқ қилиш ёқмасди. Айни шугулланаётган пайтимида ё қорним оққарди, ё уйкум келарди. Мураббийим — отам эса ўта қаттиқкўл, шафқат қилиб ўтирмасди. Ҳамма дугоналарим

Ифтихор

да ўз устимда қаттиқ ишлашим, дадам ва опаларимнинг изидан бориб, нуфузли мусобақаларда чемпион бўлишим шарт. Бу эстафета менга келиб тўхтаб қолиши керак эмас. Шунинг учун ҳар томонлама, ҳам руҳан, ҳам жисмонан юксакроқ бўлишга ҳаракат қилаяпман. Бугунга қадар республикамизда ўтказилган чемпионатларда голиб бўлдим. Кейинги қадамлар энди Осиё ва жаҳон ареналарида авваламбор юртимизнинг, мураббийим ва оиламнинг шаънини ҳимоя қилишга қаратилган.

— Баҳодир ака, сиздек қизларининг ортидан фақат яхши гаплар эшитиб фахрланиб юрган чемпионнинг отасига ҳамма ҳавас қилиши табиий. Қизларимиз Зулхумордек чемпион бўлсин, деб ният қилаётган ота-оналарга нималар деган бўлардингиз?

— Биласизми, мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳамма соҳа каби спортга, айниқса, хотин-қизлар спортининг ривожланишига ҳам шахсан Юртбошимиз томонидан катта эътибор қаратилди. Мана, чекка-чекка кишлоқларда ҳам барча замонавий анжомлар билан таъминланган спорт заллари қуриб, унда хотин-қизларни жалб қилиш учун барча имкониятлар яратилди. Бошида бизнинг Ангрен шаҳри Нуробод кўрғонида ҳам каратэ спортига қатнайдиган қизлар сони камчиликини ташкил этарди. Мақтанш эмасу, қизларим шугулланиб, яхши натижаларга эриша бошлагач, уларга қизиқиб дугоналари ҳам кела бошлади. Ҳозирги кунда бошқа клубларга қараганда бизда каратэчи қизлар сони кўпроқ ва натижалар



РЎМОЛ — “Ўзбек тилининг этимологик луғати”-да изоҳланишича, тилимизда аёллар бошига ўрайдиган буюм маъносини англатадиган “рўмол” сўзи аслида “юз” мазмунидаги “рўй” сўзига “мол-мулк” мазмунидаги “мол” сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Эр-хотиннинг уриши — доқа рўмолнинг қуриши.

Мақол

“ПАЛЬМА” — жануб томонларда ўсадиган доим яшил, катта баргли тропик ва субтропик баланд дарахтларнинг умумий номи “пальма” деб аталишини биз яхши биламиз. Бу сўз бизнинг тилимизда ҳам тез-тез ишлатилади. Хўш, бу сўзнинг асл маъносини нима? “Пальма” сўзи асли лотинча бўлиб, “панжа”, “кафт” деган маъноларни англатган. Сўнг француз тилида бу сўз “хурмо шохи, новдаси” деган мазмунни англатган.

Юқори синф шогирдларидан бир нечаси адл, юксак пальма дарахти остида... жиддий суҳбатлашмоқда эдилар.

Ойбек

САТО — танбурнинг камон билан чалинадиган тури “сато” деб аталади. Бу сўз аслида “сетор” шаклида бўлиб, кейинги даврларда “сато” шаклига ўзгарган. Унинг туб илдизи “уч тор” деган маънони англатади.

Сатода, одатда, оҳангдор асарлар турли нолиш ва қочирмалар билан бойитилиб чалинади.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси.

САТИН — тилимизда ипаксимон ялтироқ ип, газлама мазмуни билдирган “сатин” сўзи бизга асли француз тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи “атлас, шохи мато” маъносини англатган.

Олма гулли кўрпабоп сатин.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ЧЕМПИОНЛАР ОИЛАСИ

нинг шогирдларимиз, фарзандларимиз чет элларда ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда қатнашиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келишмоқда.

— Табиийки, ҳаммага ҳам сизнинг ёки қизларингизнинг бу спорт билан шугулланиши маъқул келармикин. Шунинг учун ошқора эътироз билдирганлар ҳам бўлганми?

— Бу гапни неча марта айтишган. Мен бундан сира ранжимаганман ва бирма-бир изоҳлашга ҳам вақтим бўлмаган. Чунки спортни тушунган, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қиладиган одам бундай гапни айтмайди. Масалан, ҳозир тўнғич қизим Зилола турмушга чиққанидан кейин спорт билан мунтазам шугулланмасан-да, аммо ҳафтада икки-уч марта куёвим, неварам билан биргаликда келиб залда шугулланиб кетади. Аёл киши саломат бўлиши учун спортнинг қай даражада зарурлигини у жуда яхши билади. Куёвим Фаррухбек ҳам ўзимнинг шогирдларимдан. У ҳам бир қанча мусобақаларда чемпионлиқни кўлга киритган. Иккинчи қизим Мафтунга мураббийлик қилапти. Қирқтача шогирди бор. Бошида менга пичинг гап қилганлар қизларим эришган ютуқларни кўриб, кейин ўзлари ҳам фарзандларини спорт залига етаклаб келишган.

— Қизингиз Зулхуморхон жаҳон ареналарида юртимиз шаъни учун жангга чиққанида шундай қизларингиз борлигидан яна бир бор мағрурланган бўлсангиз керак?

— Опалари медаллар олиб келганини кўрган Зулхумор қизим мен ҳам опаларимдек чемпион бўлишим керак, деб олти ёшидан бери мунтазам шугулланиб келаяпти. Мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, ўз вазни тоифасида нафақат юртимизда, балки жаҳонда ҳам биринчи рақамли каратэчи ҳисобланади. 15 ёшида шотокан каратэ-до бўйича халқаро мусобақалар, чемпионат беллашуварларида қатнашиб Осиё

умидимиз катта.

— Баҳодир ака, сиз ҳам устоз мураббий, ҳам отасиз. Спорт залида оталик меҳрингиз устунлик қилиб ўз қизларингизга кўпроқ имтиёз берган пайтларингиз ҳам бўладими?

— Уларга фақат оила даврасидагина отаман, машгулот залда эса мураббий, яъни сэнсей (каратэда устозни шундай аташади)ман. Қизларим бунни жуда яхши англашади ва ҳеч қачон машгулотда “дада” деб мувожаат қилишмайди. Уйда меҳрибон, ҳазилқаш, улар билан сирдош ота бўлсам, залда, табиийки, қаттиқкўл, талабчанман. Ҳатто бегона болаларни бироз аяшим мумкин, лекин қизларимни аямайман. Баъзи ўртоқлари улардан “Ростданам шу киши дадангизми?” деб ажабланиб сўрашаркан. Унутмайлик, оталик масъулияти қанчалик оғир бўлса, устозники ундан-да залворироқ. Ишонмасангиз, бу ҳақда ана ўзларидан ҳам сўраб кўринг.

Зулхумор Бобоева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, шотокан каратэ-до бўйича 8 марта Ўзбекистон чемпиони, жаҳон, Осиё ва халқаро мусобақалар голиби:

— Уйимизнинг бир бурчаги-

маза қилиб кўчада ўйнаётганда мен спорт залда қайсидир элементни чиқаролмай хуноб бўлардим. Мураккаб жараён. “Бўлди, каратэ мен учун эмас экан”, дея ўзимни койирдим гоҳи. Аммо ортимда катта куч, қувват манбаи борлигини ҳам ҳис қилардим. Бу — оиламиз эди. Отам талабчан мураббий, опаларим тажрибали йўл кўрсатувчи, онам эса далда бериб, кўллаб-қувватловчи меҳрибоним. Биринчи гал йиқилганимда, ўнглишим мушқулроқ кечган бўлса, иккинчи марта бироз ўзимни тутиб олдим. Учинчи гал эса йиқилмай туриб қаддимни ростладим. Мураббийнинг қизи енгилса, атрофдагиларга ёмон таъсир қилади. Мен бошқаларга ўрнак бўлишим ва отамнинг шаъни, обрўий учун икки қарра кўпроқ масъулиятни ҳис қилишим керак эди. Ҳар гал татамига чиқшимдан олдин ҳам отамнинг, ҳам мураббийнинг юзини ёруғ қилишим лозимлигини ич-ичимдан ўтказаман.

Зулайхо Бобоева, Ўзбекистон чемпиони, республика кубоги голибаси:

— Оиламизда мен энг кенжа қизман. Айримлар билиб-билмай ота-онаси, опаларининг эркаси деб ўйлайди. Йўқ, аксинча, мен бу оилавий аънана билан давом эттирувчи сифати-



Қиз фарзандни оқ ювиб, оқ тараб айна вояга етказган чоғингизда остонангиздан бирин-кетин совчилар кириб кела бошлайди. Юлдузи юлдузига қўшилган бўлса бас, шу йигитлардан бирига турмушга чиқиб кетади. Ана шу боис ҳам қиз болани бировнинг хасми, дейишади.

Баъзан турли тушунмовчиликлар оқибатида рўзғори бузилган аёлларни кўрганганимизда эртанги кунда бизлар ҳам оила курсак, турмушнинг муштарига қандай жавоб берарканмиз, дея юрак ҳовучлардик. Ҳолбуки, бу синовлар нафақат икки ёшга, балки қайноналарга кўпроқ масъулият юкларкан. Одатда тўрт-беш келинли қайноналар ҳақида гап кетганда,

Бу рўзғордаги меҳр-оқибат, аҳиллик маҳалладошларнинг ҳаваси келади. Матлуба опа ва Баҳром ака Абдуллаевлар Бўка туманидаги Гулзор маҳалласининг фахри десак муболага бўлмайди. Кайноналарнинг айтишича, қайси бир уйда қайнона-келин ўртасида сўз қочса, Матлубахонни ўрнат қилиб кўрсатишар экан.

— Мен ўзимдаги тажриба-

Ибратли оилалар

да ўқиганмиз. Хатто биз таҳсил олган олий ўқув юртлири ҳам бир-бирига яқин бўлган. Институтни тамомлаб, маҳалламиздаги бир тўйда иштирок этганим эсимда. Шунда қайнонам мени кўриб ёқтириб қолган эканлар. Мана, турмуш курганимизга ҳам 34 йил бўлибди. 2001 йили кўш келин туширганганимизда Баҳром ака билан севинганимиздан роса йиғлабмиз. Тўйга келганлар бўлса, нега булар йиғлапти, деб хайрон. Карнай-сурнай садолари билан менинг армонли кўз ёшларим оқанди. Йиллар ўтиб бир нарсга амин бўлдимки,

БАХТИ БУТУН ҚАЙНОНА



қўпинча “Келинлар кўзғолони”-даги Фармонбиби сиймосини кўз олдимишга келтирамиз. Негаки, катта хонадондаги аҳиллик-осойишталик, ака-ука, овсинларнинг бир-бирига муносабатини энг аввало тадбирли қайнота ва оқила қайнона белгилайди...

Баъзи аёлларнинг кўш-кўш келин билан бир хонадонда яшаётган қайноналар ҳақидаги гурунгида “Биз биттасининг қилиқларига биз ўр чидаймиз, сизнинг сабрингизга қойилман” деган гапларини ҳам эшитганимиз. Ҳа, келинини ўз қизидай кўрадиган қайноналар-у, қайнонасини онасидай кўрадиган келинлар ҳам кўп. Яқинда тўрт келин ва қайнона аҳил-иноқ яшаётган хонадонда бўлиб, онахонинг сўзларини тинглаб, ўзим бунга гувоҳ бўлдим.

ларнинг барчасини ота-онамдан, қолаверса, ҳаётдан олганман, — дея камсукумлик билан жавоб беради онахон. — Раҳматли Рўзихон аямнинг таълим-тарбиялари нафақат уй-рўзгор ишларида, балки инсонлар билан муомала-муносабатда ҳам менга ҳаммаши асқотди. Отам 16 йил ҳўжаликда раис бўлганлар. Биласиз, бу ишнинг ўзига яраша машаққати бор. Ишдан қайтганларида уйимизда пашша учса билинарди. Ҳар кеч отам ишдан ҳориб келганларида, онамнинг елкасида сочиқ, қўлида сув билан пешвоз чиқиб, самимий кутиб олишлари ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Онамнинг оилага бўлган садоқати, келинларга бўлган меҳр-муҳаббати бизга мактаб бўлган.

Баҳром ака билан бир маҳаллада улғайиб, битта мактаб-

келинлар хонадонингизга остона ҳатлаб қадам босган кундан бошлаб фарзандингиз қаторида қабул қилсангиз бўлгани. Сиз биринчи қадамни ташласангиз, ёшлар учун йўл очиларкан. Қай бир она ўғлини яхши кўрса, келиннинг баъзи хатоларидан кўз юмиши лозим.

Ўйлайманки, менинг турмуш ўртоғимга берган меҳримни бугун келинларим ҳам ўғилларимга улашмоқда. Уларнинг ҳар бири оқила, саришта бекалар. Барака топишин, Шаҳноза, Махбуба, Феруза, Муассар барча уй юмушларини улдасидан чиқишади. Шуларнинг шарофати билан хонадонимиз саккиз нафар шириндан-шакер невараларга тўлиб қолди-да. Улар ҳаётимиз мазмуни, кучогимизни тўлдирган гул-ғунчаларимиз.


Матлуба опа билан чин дилдан сўхбатлашар эканмиз, кўнглимиздан шундай ёрғун ниятлар кечди: Умид билан фарзанд тарбиялаётган, вояга етказаятган ҳар бир онага бу муътабар меҳрибон, дуоғўй онахонга ўхшаган қайноналик бахти насиб этсин!

НИГОРА ҲУРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири
Тошкент вилояти.

Соғлигимиз — бойлигимиз

ХОЛЕЦИСТИТ ХАВФЛИ ХАСТАЛИКМИ?

— Йўқ, соғликни бойлик деб билиб, ўз вақтида овқатлансак, дам олсак ва ниҳоят тез-тез тиббий кўриқдан ўтиб турсак, нур устига аъло нур бўлар эди, — дейди Тошкент шаҳар 5-юқумли касалликлар шифохонаси бўлим мудир, инфекционист шифокор Ҳаҳрамон Қурбонов.



— Энг аввало бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида гапирсангиз?

— Холециститни келтириб чиқарадиган биринчи омил нотўғри овқатланишдан иборат. Ёғли овқатларни кўп миқдорда истеъмол қилиш, эрталаб овқатланмасдан, тушликда ёки кечкурун тўйиб овқатланиш, кам ҳаракатлилик, муздай сув ёки газли ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳамда асабийлашиш, сиқилтидан келиб чиқади. Бундан ташқари, вирусли гепатитга чалинган беморлар ҳам бу касалликка мубтало бўлиши мумкин.

— Унинг дастлабки белгилари қандай?

— Кўп кекириш, айниқса, эрталаб уйғонганда оғизда тахир ва аччиқ таъмини ҳис этиш, беҳоллик, баъзи ҳолларда кўнгли айниб қайт қилиш, қоринда дам бўлиши, оғриқ, ич қотиши каби ҳолатлар холециститнинг асосий белгилари ҳисобланади.

— Холецистит хуруж қилганда ошқозонда санчиқ ҳам туради дейишади. Бундай ҳолда иккала хасталикни қандай фарқлаш мумкин?

— Холециститда оғриқ кўпинча орқа тараф, куракка, белга беради. Ва бемор ўнг томонда оғирликини ҳис қилади. Яна бир фарқли жиҳати шуки, ўт пуфаги яллигланганда ошқозонда оғриқ овқатлангандан сўнг 20–30 дақиқадан кейин бошланади. Бемор қоринини дам бўлганини ҳис қилиб, оғриқ тобора кучая бошлайди. Бу ёғли ва аччиқ таомларни истеъмол қилганда яққол кучаяди.

Ошқозон касаллигида эса асосан жигилдон қайнаб, оғриқ овқатланишдан олдин бошланади. Ўт қопи ошқозон атрофида жойлашган бўлиб, бу соҳада яна ошқозонни беши, жигар мавжуд. Лекин ошқозон билан ўт пуфаги оғриғининг бир-биридан фарқи бор. Кўпчилик беморлар бунинг фарқида бормасдан ошқозоним оғрияпти, пала-партиш овқатланибман, деб оғриқ қолдирувчи дорилар билан алданиб юраверади. Аммо буни кейинчалик қандай оғир оқибатларга олиб келишини ўйламайди.

Тиббиёт ривожланган бугунги кунда барча шифохоналарда компьютер томография, УЗИ ускунаси мавжуд. Холециститга қарши ўз вақтида тиббий чоралар кўрилмаса, вирусли гепатит ёки ошқозонни безлариди шамоллаш ва шикастланиш юз беради. Холецистит асосан 45–50 ва ундан юқори ёшдагиларда кўпроқ учрайди. Чунки бу ёшда айрим одамлар кам ҳаракатликка ва сиқилтига мойил бўлиб қолади. Касалликнинг ёшларда ҳам учраб туришининг сабаби овқатланиш режимида рия қилмасдан узоқ давом этган очликдан сўнг тўйиб овқатланиш, югуриб, терлаб келиб, оч қоринга муздай сув ичиш, қаттиқ, яъни FAST FOOD таомларини кўп истеъмол қилиш натижасида ҳам юзага келади.

— Қандай ҳолатларда беморнинг ўт пуфагини олиб ташлашга тўғри келади?

— Касалликка несбатан бошдан эътиборсизлик натижасида ўт пуфагида аста-секин қаттиқлашиш пайдо бўлади. Натижада кучли оғриқ бериб, бемор кўнгли айниб қуса бошлайди ва ҳарорати ошади. Текширувдан ўтиб, ўт пуфагида тош йиғилгани аниқланган, даволаш иложи бўлмагандагина жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Чунки ўт пуфагида тош пайдо бўлган, бу йирингли ҳолатларга олиб келади.

— Ўт қопи ва ўт тош касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун қандай чоралар кўриш лозим?

— Шифокор сифатида шунини маслаҳат бераманки, бунинг олдини олишда ҳам, даволашда ҳам асосан тўғри овқатланиш, яъни парhezга рия қилиш лозим. Асосийси, нонуштадан воз кечмаган маъкул. Бу асосан твoрог, манний ёрмаси ва гуручли бўтқа ва шунга ўхшаш сўт маҳсулотларидан иборат бўлиши керак. Тушликни иложи борица кечиктирмасдан ва ҳар кунги вақтида, кечки овқатни эса эртaroқ ҳамда енгилроқ истеъмол қилиш мумкин.

ГУЛНОЗА БОБОЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

КАДРЛИ КУРСДОШЛАРИ!

2012 йил 30 июнь соат 10.00 да 1972 йил Тошкент давлат Чет тиллар педагогика институтини (ҳозирги Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари) Немис тили факультетини битирганларнинг ва устозларнинг 40 йиллик учрашуви факультет биносида бўлиб ўтади.

Маълумот учун телефон: +99897 401-66-41 ёки 8 371 256-63-27.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Азалдан халқимиз орасида савобли амалларга қўл урганларни олқишлаган, алқашган. Айниқса, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож оилаларни, инсонларни қўллаб-қувватлаганлар чексиз эҳтиромга сазовор бўлган. Шу маънода Бекобод шаҳридаги “Супер сервис” МЧЖ ҳамда “Сайёра Орзу” корхоналари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.



Бандлик дастурига мувофиқ юзлаб бекободлик ёшларни иш билан таъминлашга эришган мазкур жамоалар яқинда яна бир ажойиб ташаббус билан чиқишди. “Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи уч нафар боланинг суннат тўйини ўтказишда бош-қош бўлган мазкур корхоналар мутасаддилари шаънига кўпчилик чин дилдан раҳмат айтишди. Шу кунни кичинотларга эсдалик совгалари ҳам улашилди. Фарахбахш кечага санъаткорлар файз бағишлашди.

Турдикул НОРМАТОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
- Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пиширликлар — 2 ой.
- Пишириклар олий курси — 1 ой.
- Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
- Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
- Тўқувчилик — 2-3 ой.
- Инглиз тили — 3 ой.
- Рус тили — 3 ой.
- Бисер, яъни мунчоқ тикиши — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой.
- Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Етоҳона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона.
МУЎЛАЖ: Юнусобод деҳқон бозори ерқасида.

Тел: (8 371) 221-77-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛАЖ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)

ИТ ВАФОМИ, ЁКИ?..

Ушбу мавзуга боғлиқ саволларни Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармаси тасарруфидagi қутуришга қарши курашиш отряди бошлиғи Нонна АБДУЛҚОДИРОВАга бердик:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 8 июлда қабул қилинган "Қаровсиз қолган хайвонларни тутиш ва сўлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун шаҳар, туман ободонлаштириш бошқармаси, ветеринария бўлимлари, ички ишлар ходимлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда касабаси уюшмалар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Жорий йилнинг ўтган беш ойида шаҳардаги 161249 та шахсий хонадонлар, 338230 та кўп қаватли уй квартиралари ва 3173 та ташкилот ветеринария-санитария кўригидан ўтказилганда 52661 та ит ва мушуклар мавжудлиги аниқланган. Шулардан 50249 таси рўйхатга олиниб, қутуриш касаллигига қарши мажбурий эмланди.

— Умуман уй шароитида ит боқилиши шартлари ҳақида тўхталсангиз?

— Биринчи навбатда ит боқилиши ихтиёр этган фуқаро бир hafta ичида туман давлат ветеринария бўлимига мурожаат қилиши зарур. Агар шу жонивор қутуришга қарши эмланмаган бўлса, зотидан қатъи назар, у ойликдан бошлаб эмланади. Сўнг рўйхатга олиниб, ветеринария гувоҳнома-

ўғлимини хурсанд этиш учун туғилган кунига кучукча совға қилдим. Кўни-кўшнларнинг болаларига ҳам эрмак топилди. Қоплон секин-аста ўсиб, катта итга айланди. Бир танишим яқинда "Итингизни қутуришга қарши эмлатдингизми, тагин бировга зиён-заҳмати етмасин", дея маслаҳат берди. Кўни кеча кўшни маҳаллада беш ёшли болани қутулмаганда нотаниш ит тишлаб, қайқадир ғойиб бўлганини эшитдим. Илтмос, уй шароитида ит боқилиши тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берсангиз.



си берилди. Фуқаролар ҳар йили январь-май ойларида ўзларига тегишли итларни давлат ветеринария бўлимида рўйхатдан ўтказиб, қутуриш касаллигига қарши эмлаш учун олиб боришлари шарт.

— Кўп қаватли уйларида, бунинг ҳам ўз тартиб-қоидалари борми?

— Бундай шароитда кўшнларнинг ва хусусий уй-жой мулкдори ширкатининг розилиги билан битта итни сўлашга рухсат берилади. Улар очик

жойларда сайр қилдирилганда ва турар-жой биноларида боқилганда эгалари тинчлик сақлашини таъминлашлари учун кечкурун 22 дан эрталаб соат 8 гача шовқин-суронининг олдини олишлари керак. Ит билан сайрга чиқилганда тумшукбоғда ва 2 метргача узунликдаги махсус арконда, жамоат жойларида 1 метргача узунликдаги муштақам ипда бўлиши зарур. Шунингдек, итларни кириш жойлари, зинаполяр, лифт, болалар майдончалари, йўлак-

У. ОРТИҚОВ,
Тошкент шаҳри.

лар, кўкаламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган ҳудудларни ифлос қилишига асло йўл қўйилмайди.

— Мабодо бу жонивор бирор кишига зарар етказса, қандай чоралар қўлланилади?

— Жорий йилнинг беш ойи мобайнида пойтахтдаги туманлар давлат ветеринария бўлимлари томонидан одамларга ит, мушуклар томонидан 1150 марта зарар етказилгани аниқланган. Уларнинг 80 фоизи тишлагунга қадар рўйхатга олиниб, қутуришга қарши эмланган. 344 та итнинг эса ўз эгаларига жабр етказганлиги маълум бўлди. Белгиланган тартибга кўра одам ёки хайвонларни тишлаш ит дарҳол текшириш учун давлат ветеринария бўлимига олиб келинади. У ерда 10 кун муддатга ажратиб қўйилиб, махсус текширувдан ўтказилади. Сўнгги ветеринария кўриги ҳақида маълумотнома олиниб, у ит тишлаган шахсга топширилади.

— Қутурган итнинг ҳаракатларида қандай ўзгаришларни сезиш мумкин?

— Қутуриш кўпича шиддат-

ли ва тинч шаклда намоён бўлади. Бу давр 12 соатдан 3 кунгача чўзилади. Ит хомшў кўринади, ўзини қоронғи жойга тортиб, эгаси чақирса ҳам келмайди. Баъзан жуда серҳаракат бўлиб, соҳиби билан ўйнашишни хуш кўради. Унинг юзи ва қўлларини ялайверади. Бу пайтда асқлаша вирус бўлади, бу эса жуда ҳам хавфли. Бундай ит кейинчалик нотинч бўлиб қолади, у ёқдан-бу ёққа қараб чопади, ҳар қандай шовқин-сурондан ҳадиксираб чўчиб тушади. Иштахаси бузилиб, одатдаги овқатларни емасдан, очқўзлик билан ерни тирнаб, тупроқни тишлай бошлайди, ёғоч ёки темир бўлакчаларини тишлай бошлайди. Баъзан қаттиқ қичишиш туфайли, ўз терисини тишлаб, узиб олиши мумкин. Безовталанишдан тажовуз қилишга ўтади. Қўрқин инстинктлари йўқолади. Занжирини узиб, қочиб кетади. Одам ва хайвонларга ташланади.

Мутахассис сифатида барча юртдошларимизни ҳар қандай ҳолатда ҳам хамшиша оғоҳ бўлишларини сўрайман. Негаки, кейинги пайтларда эгасиз, дайди итлар ҳам кўпайиб бораётгани ёки айрим фуқароларнинг биз "вафодор" деб келган жониворлардан азият чекаётгани ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда. Биринчи навбатда ит боқаётган ва шундай нијатда юрганлар тегишли тартиб-қоидаларни билиб қўйсалар ёмон бўлмасди.

"Оила ва жамият" мухбири
Нигора РАҲМОНОВА
ёзиб олди.

...Ховлига қарнай-сурнай садолари остида кувёнақарлар кириб келиши. Аммаю-холалар, опа-сингил, янгалар уй тўридан ёр-ёр айтиб, бир кунда узатилаётган икки келинни чимилдиқ солинган хонага кузатиб келишди. Ҳаммаёки юракларга титроқ солгувчи ўтли нидо тўради:

Бир яхшига бир ёмон ҳар қайда бор, ёр-ёр...

Азиза опа авваллари ҳам ушбу сатрларни жуда кўп марта эшитган бўлса-да, лекин ҳозир негадир юрагининг бир четини ғашлик эгаллаб олди. Балки икки дилбандимнинг бир йўла бағримдан учиб кетаётгани учун сикилает-гандирман, деб кўнглидан ўтказди у...

Намангандан пойтахтга келин бўлиб тушган Дурдона ва Дилдорларнинг беғона шаҳар, кўп қаватли уйдаги шароитга кўниқшилари оғир кечди. Улар меҳнатдан қочмайди, камгап, камсукум қизлар эди. Аммо уч қайнопанинг зуғумлари уларнинг ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборди. Ёшгина келинчақлар олти ой ўтса ҳамки, бирон марта уйларига боришолмади. Ҳатто шу орада бор-йўғи икки-уч мартагина телефон орқали волидалари билан кўнгироқлашшиларига изн берилди холос...

Бир йил деганда опа-сингилнинг иккаласи ҳам ўғил фарзанд кўришди. Водийдагилар бу хушхабарни эшитиб, бошлари осмонга етди. Суюнчи, совғасаломлар билан етиб келишди. Лекин негадир мезбонларнинг ранги очилмас, кувёларнинг эса хурсанд бўлиш ўрнига бошлари ҳам, чехраси тунд эди. Охири онанинг ўзи қизларини сўроқ-савоалга тудди:

— Тинчликми, болам, нега қудаларнинг суюнчи ўрнига ранг-кути учган? Ё ораларингдан бирон гап-сўз ўтдими?

Қизлар эса жимгина бошлари эгик ҳолатда:

— Билмасак, онажон, кувёларнинг яхшию, аммо опаларнинг йўригидан чиқолмайди. Шунинг учун бизларга ҳам сира кун беришмайди. Шу пайтгача сездирмадик, бироқ энди буёғига чиқол-

маймиз. Бу ҳовлида эрмак деганнинг ўрни йўқ, — дейишди холос.

Она бечора бу гапларни эшитиб роса эзилди. Кейин сездирмайгина қудалар билан обдон гаплашди. Йўқ, уларнинг ҳам бирортаси жўялироқ гап айтолмади. Сўнгги қарорни яна одатдагидек, қайнопа-қайнбўйинлар қабул қилишди:

— Ана, хоҳласангиз, катта кўча, қизларингизни олиб кетаверинг!

Умид билан ҳатлаган оstonадан йиғлаб чиққан икки келин болаларини ба-

қарата қичқирди:

— Қани бу ҳовлидан қораларингни ўчиришлар-чи, бўлмаса ҳозир сенларни тилка-пора қилиб ташлайман. Менга гулдай қизларимнинг умри азиз, сенларга хор-зор қилиб қўймайман. Ҳой, кувё болалар, сенларга ҳам йигит деган ном хайф! Манави опа-сингилларинг аввал ўзларининг ҳаётини тўғрилаб олишсин, кейин бошқаларга аралашади. Айб бизнинг ўзимизда, аввал обдон суриштирмадик, энди эса бефойда.

ЁМОНГА ЙЎЛ БЕРМАНГ!

рига босганча оналари изидан эргашишди.

Шу ўртада ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган уч опасингил пойтахтдан Наманганга укаларини етаклаб келиб, роса жанжал-тўполон қилиб кетишди. Нима эмиш, ажрашишдан аввал тўй-томоша учун кетган сарф-харажатларни келин тараф тўлаши шарт эканлиги билан пўписа қилишди. Уларнинг нијяти қандай қилиб бўлмасин, бу томон ҳеч нарсага даъвогарлик қилмаслики керак. Можародан хабар топган маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчилар томонларни мурасога келтириш учун уринишди. Қайда, мум ютгандек жим турган кувёлар четда қолиб, ҳалиги шаллақилар бир зумда келинларнинг ўзларини айбдор қилиб ташлашди. Бир чеккада боши ҳам, бу воқеаларни кузатиб ўтирган ота ўрнидан турди-да, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган аёлларга



Сенларнинг игналаринг ҳам керакмас бизга, тинч қўйинглар қизларимни!

Шу тариха бир эмас, икки оила парокандаликка юз тутди. Аммо ёмонликни касб қилиб олган опа-сингиллар барибир тинчимади. Ниҳоят орадан кўп ўтмай фарзандини боқишда моддий қийинчиликка дуч келган Дилдора эридан алимент ундириб беришларини сўраб, судга мурожаат қилди.

Ҳамма машамша ана шундан кейин бошланди. Судга чақирув қоғози кел-

Буни ҳаёт дейдилар

ган пайтда, яъни олти ойдан сўнг қайнопа-лардан бири Замира янги "режа" тузиб қикди: нима эмиш, келинлар кетар чоғида уларниқидан бир қанча тилла буюмлар ҳамда маълум миқдорда АҚШ долларини ҳам ўғирлаб кетишган экан. Қутулмаган тўхмат бир пасда даъвога айланди...

Бир муддат давом этган суриштирувлардан сўнг суд опа-сингилларга қилинган тўхматдан иборат даъвонинг исботланмаганини эълон қилди. Қайнопа-лар эса заҳарли илондек тўлғонар, қандай бўлмасин, келинлардан ўч олиш ҳақида ўйлашарди.

— Уларни болаларидан айириш керак, вассалом, ана шундагина тавбаларига таянади, — деди Замира.

— Эртагаёқ ўғилчаларингни ўз қармоғларингга олиб беришни сўраб, судга ариза берсанлар! — деди кичик опалари бўлмиш Зилола.

Яна ариза ёзилди. Унда опа-сингиллар яшаётган хонадонда болаларни тарбиялаш ва улғайтириш учун шарт-шароит йўқлиги, оналарнинг ҳеч қаерда ишламаслиги, хуллас, нимаики игнадай қусур бўлса, ҳаммаси қоғозга қўшиб-чатиб тиркалди.

Чақалоқлар эндигина олти ойлик эди. Уларни она бағридан, меҳридан айириш инсонийликка тўғри келмасди. Буни одил суд ҳакамлари яхши англаб, қолаверса, даъво аризасида келтирилган жуда кўп важлар асоссиз деб топилди. Навбатдаги суд жараёнида ҳал қилувчи ажрим ўқиб эшиттирилди. Мурғак гўдақлар оналари қарамоғида улғайиши шарт!..

Бу воқеага қандай ҳулоса яшашни билмадик. Тасаввур қилинг, туну кун бошқаларга ёмонликни раво кўриб юрган худбин, каззоб кимсалар наҳотки ўзларининг чилпарчин бўлган тақдирдан тўғри ҳулоса чиқаришмайди? "Кўшнини ҳам уяси бузилмасин" деб беҳиж айтишмаган доноларимиз. Шундай экан, қўлимиздан келса, бошқаларга яхшилик соғинайдик!

Абдуҳаким ТЕМИРОВ,
адвокат.



“ДУБАЙ ЕЛКАНИ”

Маълумки, ёз фасли мароқли ҳордиқлар, таассуротли саёҳатлар мавсумидир. Бугун нафақат юртимиз бўйлаб, балки ер юзининг исталган нуқтасига бориб сайёрамизнинг мўъжизавий гўшаларини зиёрат қилиб келиш мумкин. Табиат гўзалликларидан ташқари, инсон зақоси, унинг тафаккури ва тасаввурий юксак қобилияти туфайли барпо бўлаётган мўъжизавий иншоотлар сони ортиб бормоқдаки, буларнинг бари дунё сайёҳларини асло зериктириб қўймайди. Биз ҳам шу жиҳатларни инобатга олиб, инсон қўли ила яратилган бетакрор иншоотлар билан сизни таништириб боришни лозим топдик.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида жаҳондаги энг баланд, энг қиммат ва дабдабали меҳмонхона жойлашган. Бу ерда оддий, анъанавий хоналарнинг ўзи йўқ, 202 та яшаш хонасининг ҳаммаси люкс. Ҳамма хоналар икки қаватли. Энг кичик хонанинг майдони 170 кв/м. Энг каттасиники эса 780 кв/м. “Бурж ал-Араб” деб номланувчи ушбу меҳмонхонанинг энг арзон хонасида тунаш учун нақд 1500 доллар сарфлашга тўғри келади. Бу иншоот дунёдаги биринчи етти юлдузли меҳмонхона бўлиб, жойлашувига қўра Дубай рамзи ҳам ҳисобланади. Оддий халқ тилида меҳмонхона “Елкан”, “Дубай елкани” деб ҳам юритилади. Дарҳақиқат, меҳмонхонанинг ташқи кўриниши узокдан қараганда баҳайбат елканга ўхшайди.

Дубай ҳокими Шайх Мухаммад туризмини ривожлантириш учун Амирликка ўзига хослик белгиси бўлган машҳур рамз керак, деган фикрга келади. Худди Париж тимсоли — Эйфел миносраси ёки Нью-Йорк рамзи Озодлик ҳайкали бўлгани каби. Мақсадини амалга ошириш учун Шайх Мухаммад инглиз муҳандиси Том Райтни ишга ёллади.

Бинони елкан шаклида қуриш гоёси Томнинг хаёлига тасодифан келиб қолган. Бир кун у барда тамадди қилиб ўтирарди. Дераза ёнидан арабларнинг “Доу” деб номланувчи елканли қайғи сузиб ўтиб қолди. Том ўша заҳоти, «Эврика! — дея бақириб юборди. — Мана, энг содда ва ҳаммага таниш шакл, ҳатто, гўдак ҳам бу шаклни қийнамай чиза олиши мумкин!» Шундай қилиб, денгиз бўйида, сунъий оролча устида араб қайиқларини эслатувчи «Дубай елкани» ёки «Бурж ал-Араб» меҳмонхонаси қад кўтарди.

Меҳмонхонани қирғоқ билан махсус кўприк боғлаб туради. Бу ерга кириш осон кечмайди. Кўприк бошланишида назорат-текирув пости ўрнатилган. Назоратчилар, ҳатто, меҳмонхона ресторанларига бериладиган буюртмаларнинг таомномага мос келишини ҳам қатъий назорат қилишади. 202 та хонанинг ҳар бири сўнгги турдаги замонавий техникалар билан жиҳозланган ва юксак даражадаги сервис йўлга қўйилган. Девоў ўрнидаги ойналардан денгиз яққол кўриниш туради. Меҳмонхонанинг денгиз сатҳидан 200 метр баландликдаги томида махсус майдонча бўлиб, унда пулдор меҳмонларнинг вертолётларига учиб-қўниш майдончаси ва теннис корти ўрнида фойдаланилади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ИЧКИ ДУНЁСИ ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

«Бахтли бўлинг» бўлимга мурожаат этган жинззахлик аёлни кузатиб келсак, яна телефон жиринглаб қолди. Гўшақдан таниш овоз эшитилди.

— Мен, хоразмлик Рашидман, эсингизда бўлса бундан уч ой илгари сизларга мурожаат қилиб, Зилола исмли аёлнинг телефон рақамини олгандим.

— Хўш, учрашиб сўхбатлашдингизми?

— Ҳа, кўришдик. Лекин, биласизми, менга бу аёл маъқул келмади. Сиздан рақамни олгач, кўнғироқ қилсам, салом йўқ, алик йўқ, “Бўйингиз нечи метр?” дейди. Биров устимдан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Бахтли бўлман деган инсонга бўй-бастининг нима алоқаси бор? Аёл кишининг энг яхши фазилатларидан бири бу муомала одоби деб биламан. Зилоланинг юз-кўзини кўрмай туриб, одоб-ахлоқи қай даражада эканлигини билдим, учрашувга ҳам чиқмадим. Билмадим балки яхши аёлдир, мен хато қилгандирман. Тўғриси, шу гапини эшитиб иккилаштиб қолдим.

Ўзим бозорда савдо-сотик билан шуғулланаман. Қишда гуруч, ёзда эса мевачева сотаман. Атрофимда сотувчилик қиладиган аёллар жуда кўп. Уларни кўп кузатаман. Айримлари эркаклар билан баб-баравар меҳнат қилади, пул топади, рўзгорини тебратлади. Аммо ўзлигини, аёллигини унутгани йўқ. Харидорлар билан ҳам, атрофдагилар билан ҳам қилаётган ҳушмуомаласини кўриб ҳавасини келади. Мен ташқи дунёсидан ҳам кўра, ички олами гўзал аёлларни хурмат қиламан. Биринчи турмуш ўртоғининг касби ўқитувчи эди. У билан етти йил бирга яшадик. Фикр доираси кенг, мулоҳазали, оғир-босиқ аёл эди. Берафзандлик туфайли ажрашдик. Яқинда иккита фарзанди бор бир эркакка турмушда чиқди. Илоҳим, бахтли бўлсин.

— Сиз у аёл билан етти йил яшаб ҳаётнинг турли синовларини бошдан ўтказгансиз. Шу боис бир-бирингизга суяниб, меҳрли бўлиб қолгансиз. Бир-иккита гап-сўзига қараб одамнинг кимлигига баҳо бериб бўлмайди-ку. Зилола билан учрашиб кўришингиз зарур эди.

— Яхшиси, мен ҳақимда газетага эълон берақолинг. Балки характеримга мос аёл билан учрашиб қоларман. Бу умр савдоси — оила қуришга шошилмайман. Кўнглимдагидек инсонни учратишимга ишонаман. Ҳа, айтганча бўйим, юз тузилишим билан қизиқадиган аёллар учун алоҳида белгиларимни санаб ўтсам. Бўйим 1 метру 80 сантиметр. Ўз

тузилишим узунчоқ. Бугдойранг. Соқларим қалин. Ҳар доим озода кийиниб юришга одатланганман. Шифокор текширувидан ўтганман. Фарзандли бўлиш имкониятим бор. Тошкентда ижара уйда яшайман. Мен билан турмуш қурадиган аёлни иқтисодий жиҳатдан таъминлашга имкониятим етарли. 30-35 ёшли олий ёки ўрта маълумотлилар бўлса овоз берсин. Қайси вилоятдан эканлигининг фарқи йўқ. Фақат мен билан пойтахтда яшашга рози бўлса бас. Орзуим мен ҳам фарзанд кўриб, элу-юртга тўйлар берсам дейман.

РАШИД,
Хоразм вилояти



“ҲАЛИ АЖРАШМАГАН ЭДИМ”

— Алло “Оила ва жамият” газетасини?

— Худди шундай, эшитаман.

— Ҳозиргина газетани сотиб олдим.

Лекин негадир таништирув саҳифасини тополмайман.

— Газета қўлингизда турган бўлса, еттинчи саҳифасига кўз юртуринг. Энг юқорида “Бахтли бўлинг” рукни остида мақолалар эълон қилинган.

— Ҳа, ҳа, топдим. Уэр опаюн, анчадан буён газета ўқимаётгандим-да. Бизнинг Фарғонага газеталар жуда кам келади. Киоскадан сўрасам, иккитаси олгандим, сотилиб кетди, дейди. Шу десангиз она, бугун Тошкентга бодринг олиб келгандим. Юкимни сотиб бўлгач, Қўйлик бозори атрофидаги киоскадан газета сотиб олиб, кўнғироқ қилаяман.

— Оила қуриш масаласида бўлса, бизга талаб этилган ҳужжатлар билан келишингиз зарур.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

ҚОРА АРЧА

Қора арча (можжевельник) асосан Ўзбекистоннинг Чотқол, Угам, Пском, Қурама, Ҳисор тоғлари ён бағирларида ўсади. Гўзал манзара акс эттирувчи бу дароҳнинг мевалари думалоқ ёки шарсимон, ранги қора ёки тўқ сиёҳранда бўлади. Қора арчанинг шифобахшлиги қадимдан маълум.

Ибн Сино бу ўсимлик мевасидан (асал билан) тайёрланган малҳам турли хил касалликларга, жумладан, қорасон, йирингли яраларга даволигини ўз асарларида келтириб ўтган. Кунжут мойи билан тайёрланган малҳам асосан томоқ қириллишига даво сифатида фойдаланилган.

Мевасидан тайёрланган дахлама сийдиқ йўллари шамоллаши, буйракдаги тошларни хайдашда жуда фойдали. Илдиз қайнатмаси нафас йўллари шамоллаши, бронхит астма, сил касаллигига қарши қўлланилади.

Қора арча эфир мойи (фракцияси) турли хил тери касалликлари, шамоллаши ванна сифатида даволаш хусусиятига эга. Илдиз ва илдиз пўстлогидан тайёрланган спиртли настойкадан жинсий қамқуватликда фойдаланилади. Тоғли худудда яшовчи халқлар баргини исмириқ ўрнида ишлатишади.

Тайёрлаш усули: 1 ош қошиқ майдаланган меваси 200г совуқ сувга даблаб қўйилиб, 3-4 соат турилади. Ушбу дахлама овқатдан ярим соат олдин уч қисмга бўлиб ичлади. Ревматизм, тери касалликлари учун 200 г мевасини 1 литр сувда қайнатилиб, ванна сувига аралаштирилади. Даволаш курси 10 ванна бўлиб, 5-7 дақиқа давомида, кунора қабул қилинади.

Иззатилла АБДУРАШИДОВ,
доришунос.

— Мана бу ерга ёзилган ҳужжатларнинг ҳаммасини олиб боришим шартми?

— Албатта.

— Энди она, гапни ростини айтадиган бўлсам, ҳали хотиним билан қонуний ажрашмадик. Тошкентга яна қачон келаман, шу баҳонада биратўла келинчақ олиб кетай дегандим-да.

— Уэр, биз сизга ёрдам бера олмаймиз!

Ўзини Соҳибжон деб таништирган фарғоналик йигит билан бўлган қисқагина сўхбатдан сўнг ўйланаб қолдик. Орамизда оила қуришга шунчаки бир эрмак деб қаровчи, одамлар борлигидан афсусландик ҳолос.

ҚИЗЛАРИМ ЖУФТИНИ ТОПДИ

Сизларга минг бир эҳтиром, чуқур миннатдорчилик ила мактуб йўллаяман. Ўтган йили баҳор фаслида Тошкентга синглимникига меҳмонга бориб, унинг яқин қўшнисини билан танишиб қолган эдим. Оқиқ кўнгли, меҳрибон аёл экан. Бирам гап-сўзлари маъноли. Ёшимиз тенглиги учунми, тезда тил топишиб кетдик. Сўхбатлашиб ўтириб, унга дардимни айтдим: “Иккита қизим бор, ёшлари ўтиб қолди. Шу қизларни эгаларига топширсам кўнглим хотиржам бўларди” десам, қизларим билан қизиқиб, обдон сўраб-суриштиргач, “Эртага сиз билан бир жойга ўтамиз, зора қизларингизни бахти очилиб кетса”, деди-ю, қўярдақ қўймай “Оила ва жамият”га етаклаб борди.

“Қўйинг-е, қариндош-уруғлар эшитиб қолса, уят бўлади-ку, десам ҳам, “Нега уяласиз? Ўтган йили мен ҳам 33 ёшли қизимни газетанинг кўмаги билан турмушга узатгандим. Мана ҳозир бахтли яшайапти”, деганини эшитиб, кўнглим хотиржам бўлди. Сизларнинг ёрдамингиз ва ўша аёлнинг турткиси билан газета орқали қизларим келинлик бахтига муяссар бўлишим. Катта қизим самарқандлик, кичигим ўзимизнинг сурхондарёлик йигит билан танишиди. Икковини ҳам бир кунда унаштирдик. Ҳозир бири хомилдор. Бошида қизларимни газета орқали бахт тоғларини бериктирдим. Энди таниш-билишларимга сизларнинг беминнат ёрдамларингиз ҳақида айтаяман. Сизларга катта раҳмат!

НОИЛА ая,
Сурхондарё вилояти.

Фойдали маслаҳат

• Газ духовкисини ёққандан сўнг унинг ичидаги ҳароратни аниқлаш учун унинг патнисига бир чимдим ун ташланг. Агарда ун тезда сарғайса ҳарорат 180–190, сарғайгач 30 сонияда қорая бошласа, 220–240, агарда ташланган заҳоти қорайиб кетса, ҳарорат 270–280 даражада бўлади.

• Линоелеумга сиёҳ ва бошқа доғлар теккан бўлса, спирт ёки атир билан тозалашингиз мумкин.

• Ёнғоқнинг мазаси янада ширин бўлиши учун уни тозаланган ҳолда газ духовкасига бироз қўйиб олинг.

• Сабзавотларни пиширишдан олдин унинг ички қисмига кириб олган майда хашаротларни чиқариб ташлаш учун уларни тузли сувда 5-10 дақиқа ушлаб туриш лозим.

• Пишириқлар хамирига шакарни кўпроқ қўшсангиз, ширинлик тезроқ қизаради.

• Картошканинг витаминлари яхши сақлансин десангиз, уни пўсти билан қайнатинг.

• Ёз келиб қишқик кийимларни устма-уст қилиб тахлашингизга тўғри келади. Бу ҳолда уларга қуя тушмасин десангиз, хар бир тахламас орасига сигарет доналаридан жойлаштиришингиз мумкин.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ЭПЛАГАН ЭЛАКДА СУВ КЕЛТИРАР

Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон туманидаги Какайди кўрғониди яшовчи аёлларнинг оила тежамкорлиги, рўзгор юритиш борасидаги ишбилармонлиги кўпчиликка намуна бўлади, десак янгишмаймиз. Яхшиси, уларнинг гаройиб тажрибалари билан танишайлик-чи:

Севара Жалилова:

— Қишлоқ шароитини биласиз. Ай-никса, ёзда тайёрланган компот ва тузламалар қишда дастурхоннинг кўркига айланади. Узим ҳамшираман. Айни пишиқчилик даврида бир кун олдин банкаларни ювиб, офтобга тескари қилиб териб қўяман. Сурхондарёнинг қайноқ кўёши тафтига ҳар қандай микроб дош беролмайди. Қайнаб, бироз совутилган сувни мева-чева, сабзавот солинган банкаларга қуйиб тузини ростлайман. Металл қоқоқни қуйиб ёпишга тайёрлайман. Тандирдаги нонларни узиб олгач, чўгини чиқариб оламан-да, бироз совуғач, кул сеипи (банкалар ёрилиб кетмаслиги учун) ҳалиги ёпишга тайёрланган банкаларни бирма-бир териб чиқаман. Бир тандирга 10–12 та 3 литрлик банка сиғади денг. Сўнгра тандирнинг оғзини зичлаб ёпиб қўяман. 30–45 дақиқа ўтгач, банкаларни темир қисқич ёки енгча билан чиқариб олиб ёпаман. Ўн йилдан буён шу усулни қўллаيمان, ҳали бирорта банкам "отгани" йўқ.

Наргиза опа:

— Кузда пишмай қолган помидор-

Ўрганганинг ўзингга



лардан тузлама ёпамиз. Бунинг учун уч-тўрт қўшни бир жойдан ўра қазиб, тупроқ тушмаслиги учун ичини яхшилаб шиббалаб чиқамиз. Қалинроқ клеёнка-ни ўрага тўшаймиз. Махсулотни ўраб, маҳкамлаб боғлаш учун каттароқ клеёнка бўлгани маъқул. Помидор, саримсоқ, қалампир, хрен, шивит, тузнинг устидан қайноқ сув, таъбга кўра сирка солиб, ҳаво қирмайдиган қилиб тугиб қўямиз. Сўнг ўранинг устига тупроқ тортамыз. 30–40 килолик бу табиий "бан-

ка"ни ўн беш-йигирма кунлардан сўнг очамиз. Ҳар бир қўшни ўз улушини олиб бўлгач, ўра кўмилади. Тайёр тузламани сирли ёки шиша идишда, салқин жойда бир ойгача сақлаймиз.

Назира Ҳақимова:

— Қутилмаганда келиб қоладиган меҳмонлар олдида хижолат бўлмасликнинг ажойиб йўлини топанман. Чучвараларни тугиб, ун сеипилган патнисга тергач, музлатгичга жойлайман. Қотган чучвараларни елим қозоғга солиб қўяман. Икки-уч қозонни алдайди-ган чучваралар музлатгичда тайёр турса, сира шошиб қолмаймиз.

Эрта баҳорда узилган мирғай ток барглари ювмасдан дастурхонга териб, бироз сўлитиб оламан. Сўнг беш- олтитасини тахлаб, найча шаклида ўрайман. Урамларни бақалашкаларга жойлаб, оғзини зич ёпаман. Совутгичда турган бақалашкалардан бирини (қахратон қишда тоқли дўлма тановул қилиш кимга ёқмайди?) пиноч билан кесиб оласизда, қишда янги узилгандай турган барглари бир сидра ювиб ишлатаверасиз, айланай.

Ҳа, эпли баҳона қилмайди, элакда бўлса ҳам сув келтиради, деб шунга айтсалар керак-да.

Дилроз АБРАЕВА тайёрлади.

БЎЯЛГАН ЖОНИВОР

ёхуд нафс балосига учган қаллоблар хусусида

Куни кеча бу ажабтовур воқеани қашқадарёлик Чори ака деган танишимиздан эшитиб, ёкамизни ушладик. Тўғри, одамлар (кўпроқ аёллар) сочини, лаби ёки қош-кўзини бўяшини биласиз. Лекин бозорда сотиш учун олиб чиқилган жониворни бўяшгани... га не дейсиз?

— Утган ҳафта акам Китоб туманидаги Жумабозорга ярим кечаси жияним билан жўнаб кетган эди, — деб ҳикоя қилади у. — Нега десангиз, бу бозорда савдо-сотик кўпична кечаси бошланади ва бу товламачи, таъмагир даллолу олиб-сотарлар учун жуда қўл келади. Хуллас, кундузи қарасам, уйининг олдида икки яшарча келадиган хўкизча боғлоглиқ турган экан. Бориб, у ёқ бу ёнга ўтиб қарайдим. Ёмонмасу лекин негадир ранги галатирок кўринди. Ҳаммаёғи қоп-қораю, бироқ орқа оёқлари тарафи сал-пал ола-була. Акамни қақириб, "Қанчага олдингиз, негадир ранги бошқача-ми?" деб сўрасам, ҳайрон бўлди-да, "Йўғ-е, бозорнинг энг

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

олди қоп-қора буқачаси шу деб таниш даллоллар менга олиб беришди-ку!" деб, қуёш нурида ранги ўзгариб бораётган хўкизчани секин кўздан кечирди.

Акам ҳам соддарок эмасми, молнинг қора ранга бўялганини кўриб, қотиб қолди ва "Пул ўлсин-а, пул ўлсин, биз тарафда ола мол бозорбоп эмаслигини билган катзаблар бўятиб сотибди-я, энди нима қиламиз, ювса кетадими?" деб ўзини туюлмай қўлиб юборди...

Бу воқеани қандай изоҳлашни билмадик. Наҳотки, арзиман фойда топиш илннхиди юрган кимсалар ўзларининг жиркан нафсаларини қондириш учун энди беғуноҳ жониворларни ҳам қурбон қилишдан қайтмаётган бўлишса? Балки бундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш, ва таъмагир олиб-сотарлар пайини қирқш учун мол бозорларидаги олди-сотди вақтини ўзгартириш керакдир? Бўлмаса тилсиз жониворларни бўяб-бежаб пуллашга уринаётган нафси ҳақалак отганлар эртага бундан ҳам баттароқ қабиҳликка қўл урмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бу борада масъул идоралар ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўришлари керак.

Умрзоқ ҚОДИРОВ.

ЎЗ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА...

Ўзбекистон Республикаси конституциялик муассасаларининг консуллари хорижда фуқароларимизга қандай ҳуқуқий ёрдам бера олишади?
Н. БОЙМИРЗАЕВА

— Консуллар битимлар (шартнома, вазиятнома, ишончномалар ва ҳоказолар) ни тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасида жойлашган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно. Шунингдек, фуқароларнинг тирик ва муайян жойда эканлиги фактини, фуқароларнинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди. Мерос, мол-мулкнинг қўриқилишига доир чора-тадбирларни кўради. Меросга бўлган

ҳуқуқ тўғрисида ва эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради. Ҳужжатларнинг нусхалари, улардан олинган кўчирмалар тўғрисидаги, имзоларнинг ҳақиқийлиги ва ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди. Пул суммалари ва қимматли қозғоларни депозитга ва сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади. Ижро хатларини ёзади, денгиз протестларини амалга оширади.

Саволга Каттақўрғон тумани 2-сон ДНИ нотариуси Раҳимжон САПАРОВ жавоб берди.

ҲАҚЛИ ЭМАССИЗ

Турмуш ўртоғим билан расман ажрашмаган бўлсак-да, ҳозир бира яшамаяпмиз. Мен қўшни маҳаллада турувчи ота-онамининг уйдаман. Эримнинг уйда доимий

Савол-жавоб

рўйхатда турибман. Ҳозир яшаб турган жойимдаги маҳалладан болам 2 ёшгача тўлгунча уни парвариш қилаётгани учун нафақа олишга ҳақлиманми?

К. ЭШОНОВА

— Йўқ, сиз "Ишламайдиган оналарга бола 2 ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" - ги Низом талабларига асосан, бола 2 ёшга етгунга қадар уни парвариш қилаётганининг учун ойлик нафақани белгиланган тартибда фақат доимий рўйхатда турган жойингиздан олишга ҳақлисиз.

Саволга Самарқанд шаҳар 13-сон ДНИ катта нотариуси Лола НАРЗУЛЛАЕВА жавоб берди.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

БОШ СОВРИН – ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИДА

Ўзбекистон футбол федерациясининг сунъий қопламали майдонда футбол бўйича Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кубогига учун III анъанавий турнир якунланди. Мусобақада турли вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат 33 жамоа баҳс олиб борди.

Уч йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур турнирга қизиқиб тобора ортиб бормоқда.

Бир ҳафта давом этган мусобақа финалида Ички ишлар вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоалари ўзаро куч синаяшди. Унда 3:1 ҳисобида зафар кучган Ички ишлар вазирлиги жамоаси бош совринни қўлга киритди.

ОМАДСИЗ

«УЧАР ГОЛЛАНДЛАР»

Польша ва Украинанинг яшил майдонларида футбол бўйича ўтаётган Европа чемпионати қизгин паллага кириб бормоқда.

Ҳар бир ўйиннинг шиддатли ва кизикарли ўтиши муҳлисларни қувонтирмоқда. Голландия, Россия, Швеция ва мезбон



Польша каби жамоалар гуруҳ босқичидаёқ чемпионат билан хайрлашди.

Чехия, Греция, Германия, Португалия, Испания ва Италия терма жамоаси кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритган бўлса, қолган иккита жамоа номи кеча тунда аниқланди.

Эртага ярим финал баҳсида Чехия-Португалия жамоалари куч синаяшса, эртдан кейин Германия-Греция жамоалари ўзаро баҳслашади.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Лутфуллаева Марҳабо Мўминовнага Навоий вилояти Нурота туман ИИБ томонидан 16.04.2006 йилда берилган CN 0749587 серияли фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жамоаси Навоий вилояти Нурота тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Файзиевага ўғли **ФАРРУХ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оналарнинг қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жағмармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **А. АЗИМОВ**
Саҳифаловчи — **Оқил РАҲМОНОВ**
Мусаҳҳилчи — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,**
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 628. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 10201. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Муҳбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5